



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 245 (17.527). • 24 октябрь 1979 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV
С Ё Ё З Д И
Қ А Р О Р Л А Р И Н И
А М А Л Г А
О Ш И Р А М И З

РЕСПУБЛИКА
МАТБУОТ МАРКАЗИ
ХАБАР ҚИЛАДИ



Я Н Г И К И Ш И Н И ТА Р Ё Б И Я Л А Й Л И К

ТОШКЕНТДА БУТУНИТТИФОК КОНФЕРЕНЦИЯСИ

23 октябрь куни Тошкентда бошланган Бутуниттифок конференцияси бадий адабиётдаги маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий проблемаларга бағишланди. Конференцияда СССР Ички ишлар министрлиги билан СССР Ёзувчилар союзи ўтказмоқда. Конференция шунда таниқли совет ёзувчилари, журналистлар, партия, совет, касаба, союз, комсомол ташкилотларининг, маъмурий органларнинг ходимлари иштирок этмоқдалар.

СССР Ёзувчилар союзи правленисининг секретари Ю. Н. Верченко кириш кутуби сўзлаб, конференцияни очди.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номидан конференция қатнашчиларини таъриқлади.

— Бизнинг партиямиз, — деди у, — совет кишинин коммунистлик идеаллар руҳида тарбиялашга ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамият бериб келди ва аҳамон ана шундай аҳамият бериб келмоқда. Партия

маънавий фаанлатларини шакллантириш проблемаларини кенг муҳокама қилишга бағишланди.

Ш. Р. Рашидов адабиёт проблемалари тўғрисида гапириб, шунинг таъкидладини, бугунги кунда жамиятимизнинг ривожлантириш йўллари билан адабиётимиз ҳаракатини бир-бирига боғловчи воқеага эътибор бермаслик мумкин эмас. Бу — Леонид Ильич Брежневнинг йилда чоп этилган ва бутун дунёда машҳур бўлган, жамиятнинг таъсирини, сазовор бўлган «Кичик ер» «Тикланш» ва «Кўриқ» каби ақолий кинотоблари — миллион-миллион кишилар учун чинакам ҳаёт дарсликлари бўлиб қолган асарлардир. Бу асарларнинг социалистик реализм ёзувчилари ўз ишлари учун намуна деб биладилар. Ана шу асарлар диалектик фикр юритиш, партиянинг кенг халқ оmmasи билан мулоқатда ленинча ҳаққийлик ва астойдил самимиийлик сабоғини беради. Бу гоят зўр



ИЛЬИЧЛИКЛАР АРМУҒОНИ

● Улуғ Октябрнинг 62 йиллигини катта меҳнат галабалари билан кутиб олишга аҳд қилган Сирдарё облатининг Ильич райони пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик ланини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Район меҳнаткашлари Ватан хирмонига 55100 тонна юқори сифатли «оқ олтин» армуғон этдилар.

Бу меҳнат зафарига Волков номли, «Правда», Х. Олимжон номли совхозларнинг пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Хосиятнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинди. Ғ. Гулом номли совхоз механизатори Б. Шерқазиев, Волков номли совхоз механизатори А. Қувватовлар 200 тоннадан «оқ олтин» териб олишга эришдилар.

Ильич район партия комитетининг биринчи секретари С. ОТАХОНОВ «Совет Ўзбекистони» муҳбири илтимосига кўра республика матбуот маркази хушхабарини қуйидагича шарҳлади:

КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг (1978 йил июль ва ноябрь) Пленумлари қарорларини лизит қилган амалда ошпаётган районимиз пахтакорларни дастлабни галабани қўлга киритдилар. Ватан хирмонига 55100 тонна кўриқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 21,1 центнердан пахта териб олинди. Шонли механизаторларимиз ҳар вақтдагидек авангардлик қилдилар. Ялчи хосиятнинг деярли 47 минг тоннаси ағиратлар бункеридан тўқилиб, машина терими лани 102,2 процент қилиб бажарилди.

Районимизнинг бу галабасига «Правда» совхоз пахтакорлари 11760 тонна, Титов номли совхоз 10030 тонна, Волков номли совхоз 9254 тонна пахтаси билан салмоқли ҳисса қўшдилар. Гагарин номли, «Октябрь 60 йиллиги», Узоқов номли, Ғафур Гулом номли, Ҳамид Олимжон номли совхозларнинг заршунослари ҳам баракали хирмон кўтардилар.

Ўзга вегетацияси даврида матбуотда, республика партия ва ҳукуматининг «Ўзбекистон» ажақ олишини жадаллаштирайини» деган мурожаат эълон қилди. Бу мурожаат пахтакорларимизнинг кучига-куч, гайратига-гайрат қўшди. КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг қимматли маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари асосида иш тутди. Натигада «олтин қўл»ли пахтакорларимиз даладарда юксак маъжуриятни қўллайдиган даражада мул-қул ҳосил етиштирдилар.

Пахта йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик қилиди. Мавсумда ишлатилган терим агрегатлари ва бошқа техника воситалари пухта шайланди. 700 га яқин терим машинаси ва бошқа агрегатлар 65 та терим-транспорт отрядига жамланб, иш бошлаб юборилди. Ҳар бир терим агрегатининг икки синади ишлатилиши таъминланди.

Механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа ажақ олдириб юборилди. Ўзга мусобақа яхши самаралар берди. Гагарин номли совхоздан М. Аҳмадов, «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Қ. Абдуллаев, Узоқов номли совхоздан Х. Босинов, Х. Абдулов, Волков номли совхоздан А. Қувватов, «Правда» совхозидан М. Мирзоев каби дала гвардиячилари 210—290 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар.

Шунинг қувонч билан таъкидлаш керакики, Тошкент шаҳар Куйбисhev райони меҳнаткашлари бизга чинакамига ёрдам бердилар. Оталик ташкилотлари 70 та юк машинаси, 20 та пайвандлаш агрегати юбордилар. Пайванди ва слесарлар бригадаси аъзолари эса даладарда пахтакорларимиз билан ёнма-ён туриб фидокорона меҳнат қилдилар.

Партия ташкилотлари, айниқса катта тадбирларни амалга оширишда, Оммавий-сиёсий ишлар бўлимига қўл қўйишлари, пахтакорларига малайи ва маллий хизмат кўрсатиш даладарга қўчирилди.

«Партия ва давлатнинг куч-гайрати, пахтакорлар ва мелiorаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатда пахта етиштиришнинг муттасил қўлайтиришнинг ишончли базаси яратилди. Пахта етиштириш жетқусида ҳам қўлайтириш лозим» деган эди Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг (1978 йил) июль Пленумида қилган докладыда.

Пахтакорларимиз ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу қимматли филарига доимо қатъий амал қилиб, меҳнатда катта-катта ютуқларни, муваффақиятларни қўлга киритишга эришмоқдалар. Қўриқ «оқ олтин» хирмонини янада юксалтиришга муваффақ бўлишимиз.

Хали даладаримизда ҳосил сероб. Терим ҳамон юксак ушшоқлик ва юқори сифат билан олиб борилади. Шонли пахтакорларимиз ва механизаторларимиз қўшун қуларининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланмоқдалар. Мақсадимиз 65 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига тезроқ галаба байроғини қалаб, социалистик маъжуриятимиз бажарилганлиги ҳақида партия ва ҳукуматимизга галаба рапортини беришдир. Биз бунга, албатта, эришамиз. Бу бизнинг Улуғ Октябр байрамига муносиб армуғонимиз бўлади.

ТОШКЕНТДА ШОДИЁНА КУТИБ ОЛИШ

Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Ранси Абдил Фаттоҳ Исмоили Ўзбекистон поштахти 23-октябрь куни самимий таъриқлаб кутуб олди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таълифига биноан дўстона расмий визит билан Совет Иттифоқига келди.

Шу оқшом Тошкент аэропорти байрамона тус олаб эди. Флагштокларда ЯХДР, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари ҳилираб турбди. Аэропорт биноси араб, рус ва ўзбек тилларида: «Хуш келингиз, азиз дўстимиз Абдил Фаттоҳ Исмоил!» — сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган.

...ЯХДР поштахти — Ададан парвоз қилган кумушшом лайнер аэровокзал енига оҳиста келиб тўхтади.

унинг ҳамроҳларини қардошларча кутиб оладилар.

Тошкент меҳнаткашларининг кўпдан-кўп вакиллари Абдил Фаттоҳ Исмоилни кутуб олиш учун аэропортга келдилар. Улар ЯХДР СССР ва Ўзбекистон ССРнинг байроқчаларини кўтариб олишган эди.

ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Муҳаммад Солиҳ Мутийя, ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, балиқ бойликлари министри Анис Ҳасан Яхё, ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, ташқи ишлар министри Салим Солиҳ Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, мудофиа министри Али Аҳмад Носир Антар, дўст араб мамлакатининг бошқа партия ва давлат аربоблари Абдил Фаттоҳ Исмоил билан бирга келди. Шу самолёт билан СССРнинг ЯХДР-



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Коммунист раёонининг пахтакорлари пахта теримини илгаволликлар усулида олиб боришди. Теримнинг биринчи кунларидан «Лениннинг йўли» колхозининг 12-бригада механизатори Жаббор Сатторов пешқадамлик қилмоқда. У ҳар кун бункердан 10—12 тоннадан пахта тўқилти. Суратларда: (юқорида) илгаволликлар усулида олиб боришди. Ш. Иброҳимов фотолари.

Д Ё С Т О Н А С У Х Ё Б А Т

23 октябрь куни Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Ранси Абдил Фаттоҳ Исмоил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Советида қабул қилинди.

ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Муҳаммад Солиҳ Мутийя, ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, балиқ бойликлари министри Анис Ҳасан Яхё, ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, ташқи ишлар министри Салим Солиҳ Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, мудофиа министри Али Аҳмад Носир Антар, дўст араб мамлакатининг бошқа партия ва давлат аربоблари азиз меҳмон билан бирга бўлдилар.

Самимий дўстлик вазиатида ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг би-

ринчи секретари Ш. Р. Рашидов республиканинг экономика ва маданияти эвожлантиришда эришган муваффақиятлари, Ўзбекистон партия ташкилотининг ҳама, куч-қувватлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли баъжаришга қаратилган фаолияти билан Абдил Фаттоҳ Исмоилни таъништирди. Республика меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йиллиги йўналиши ва маданий қурилишнинг ҳамма устакларида анги-анги катта ютуқлар билан ишончланмоқдалар, ҳамма қийинчиликларга қарамай Ватанга 5 миллион 700 минг тонна пахта беришдан иборат зиммаларига олган социалистик маъжуриятлари сўзсиз бажарилганлиги ҳақида таъкидлади.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам янги ҳаёт қураётган Яман Халқ Демократик Республикасининг мард халқига, самимий хайрихоҳлик ҳислари билан қарамоқдалар, арабларнинг сиёмониз ва империализмга қарши кураши билан бирдамдилар, деб таъкидлади Ш. Р. Рашидов. Республика

меҳнаткашлари Советлар маъмакатининг барча халқлари билан бирга Коммунист партия ва Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатини, Леонид Ильич Брежневнинг планетада мустақим тинчлигини таъминлаш борасидаги улкан фаолиятини қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Берлинда ўтказилган тантаналарда, сўзлаган нутқида баён этган янги тинчлик ташаббусларини республика меҳнаткашлари ҳам сийқидилан қўллаб-қувватламоқдалар.

Абдил Фаттоҳ Исмоил Совет Ўзбекистони дийрда ўзи ва ҳамроҳлари шодиёна қабул қилиб олинганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилди. У Яман Социалистик партиясининг экономика ва маданияти тезроқ юксалтириш, империализм кўп йиллик ҳукмронлиги оқибатларини тутатиш борасидаги куч-гайратлари тўғрисида батафсил гапириб берди.

Абдил Фаттоҳ Исмоил СССР билан ЯХДР ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг аҳамиятини юксак баҳо бериб, ўзининг ҳозирги визити

мана шу ҳамкорликни иккала мамлака халқлари, барча яхши илгаволликларнинг манфаатлари йўлида ривожлантиришга ҳиямат қилади, деб қимил ишонч билдирди. У бирлик ва тараққиётга, эски ва янги мустақимлашчиликни узи-кесил тутатишга ҳаракат қилаётган араб халқига нисбатан яхши ҳис-туйғуларни учун совет кишиларига қизғин миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССРнинг Ямандаги элчиси Ф. Н. Федотов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Рансининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Х. Р. Раҳимов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (умумий тайёрланган пахтани нисбатан процент ҳисобидан); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан бўён (пахтага нисбатан процент ҳисобидан).

ҚҚАССР	2.72	82.93	3.06	68.19
Қашқадарё	2.07	80.73	3.04	53.92
Сирдарё	2.00	79.73	2.05	50.84
Сурхондарё	2.21	75.62	2.32	70.69
Тошкент	1.55	73.88	1.00	46.05
Жиззах	2.56	73.40	2.77	64.15
Наманган	2.81	62.72	2.92	63.77
Хоразм	1.80	57.04	1.88	50.10
Фарғона	2.17	57.04	2.49	37.52
Андижон	1.26	56.46	1.14	26.84
Самарқанд	1.41	55.09	1.81	38.84
	2.32	37.74	1.92	22.54

Республика бўйича: 1.98 64.55 2.17 48.64

Шу жумладан илгична толали пахта

Сурхондарё	1.13	64.29	0.87	43.16
Бухоро	1.64	45.45	0.60	7.15
Қашқадарё	2.01	45.29	1.97	33.98
Наманган	1.52	35.82	—	11.67

Республика бўйича: 1.44 56.61 1.17 37.15

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов республикада меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Компартияси Марказий Комитети Сийсий Комитетининг аъзоси, АҚШ Компар-

тияси Марказий Комитетининг секретари Жеймс Жексонни 23 октябрь куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов республика партия ташкилотига ҳал этаятган масалаларга тўғрисида меҳмонга сўзлаб берди. Ўзбекистон коммунистлар партия XXV съезди қа-

рорларига ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Ранси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, партиявий ташкилотчилар ва идеология иши методларини муттасил таомиллаштиришга қаратилганлигини, меҳнаткашларни, хусусан ёшларни пролетар интернационализм ленинча гояларига астойдил садоқат руҳида тарбиялашнинг уларнинг энг муҳим вазифаларидан бири, деб билантганликларини таъкидлади. Барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари ҳам инсониятнинг янги уруш хавфидан халос этилишдан, СҚҲ-2

АҚШ Компартиясининг фаолияти тўғрисида гапириб, шунинг қайд этгани, партиянинг ҳалқаро кескинлигини юмшатишни мустақимлаш, реакцияни жийовлашдан иборат йўлини АҚШнинг кебт оммаси тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. Б. Беляков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Механизаторлар гайрати

● 20 октябрь куни Андижон облати Бўз райони колхоз ва совхозлари машинада пахта териш ланини муддатда олдин муваффақиятли адо этдилар. Район механизаторлари агрегатлар бункеридан 22260 тонна «оқ олтин» бўшатдилар.

Айниқса, «Партия XXII съезди совхозининг механизаторлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар тошхиринки 147 процентга адо этдилар. Шу хўжаликнинг Н. Дехқонов бошлик бригадасида план бир ярим баравар, А. Солнев бошлик бригадасида эса 1,4 баравар ошириб бажарилди.

Андижон облати механизаторларининг социалистик мусобақасида Бўз районидан «Ленин» совхозининг механик-хайдовчиси Абдуфаттоҳ Солнев карвонбошлик қилмоқда. У ўз агрегати билан кунига 15—18 тоннадан пахта термоқда. Унинг мавсум бошидан бўён терган пахтаси 500 тонмага етди.

